САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ PhD.27.06.2017.FM.02.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РУСТАМОВА МАСТУРА САМАДОВНА

ЯРИМ ФАЗОДА МАРТИНЕЛЛИ-БОХНЕР ИНТЕГРАЛИ ҲАҚИДА

01.01.01 – Математик анализ

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд шаҳри – 2018 йил

УДК: 517.55

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on physical-mathematical sciences

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ PhD.27.06.2017.FM.02.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РУСТАМОВА МАСТУРА САМАДОВНА

ЯРИМ ФАЗОДА МАРТИНЕЛЛИ-БОХНЕР ИНТЕГРАЛИ ҲАҚИДА

01.01.02 – Математик анализ

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд шаҳри – 2018 йил

Физика – математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.4.PhD/FM151 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши Давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб–саҳифасида (www.samdu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Худойберганов Гулмирза** физика-математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Имомқулов Севдиёр Акромович** физика-математика фанлари доктори
	Пренов Барлықбай Барақбаевич физика-математика фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	**Урганч давлат университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.27.06.2017.FM.02.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «_____» ______ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104 Самарқанд ш. Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (+99866) 231-06-32, факс: (+99866) 235-19-38, 239-12-47, e-mail: patent@samdu.uz)

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин(______ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104 Самарқанд ш. Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (+99866) 231-06-32.

Диссертация автореферати 2018 йил «______»_______ куни тарқатилади.
(2018 йил « _____» _________ даги _______ рақамли реестр баённомаси)

А. С. Солеев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор

А.М. Халхўжаев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.д.

С.Н. Лақаев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д., профессор, академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида олиб борилаётган кўплаб илмий-амалий тадқиқотлар аксарият ҳолларда кўп комплекс ўлчамли интеграл формулалар ва интеграл операторларни тадқиқ қилишга келтирилади. Кўп ўлчамли комплекс анализда интеграл формулалар кучли конструктив аппарат ҳисобланади ва муҳим татбиқларга эга. Кўп комплекс ўзгарувчили функциялар назариясида Мартинелли-Бохнер интеграл формуласи ҳар қандай соҳа учун универсал ядрога эга ва интеграл соҳанинг бутун чегараси бўйича ҳисобланадиган интеграл формуладир. Кўпгина олимларнинг ишларида бу формула чегараланган соҳаларда тадқиқ қилинган. Мартинелли-Бохнер интеграл формуласининг чегараланмаган соҳа – ярим фазодаги умумлашмасини топиш, ярим фазода Мартинелли-Бохнер интеграл операторининг хос функциялари ва хос сонларини аниқлашга оид тадқиқотларни ривожлантириш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги кунда жаҳонда кўпгина фанларнинг асосий йўналишлари бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда, шу жумладан, кўп ўлчамли комплекс фазода интеграл ифодаларни тадқиқ қилиш ва уларнинг татбиқларини ўрганиш кўп ўлчамли комплекс анализнинг долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Бу интеграл формулалар чегарада берилган функцияларни аналитик давом эттириш шартларини аниқлашда, сингуляр интеграл операторларнинг чегаравий хоссаларини тадқиқ қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада Мартинелли-Бохнер интеграл формуласини чегараланмаган юқори ярим фазода тадқиқ қилиш; турли функционал фазолардан олинган функциялар учун мазкур интеграл формуланинг яқинлашувчилигини исботлаш ва уни ҳисоблаш формуласини топиш, унга мос интеграл операторнинг спектрини ярим фазода тадқиқ қилиш мақсадли илмий тадқиқотлар ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда фундаментал фанлардан бири бўлган комплекс анализнинг амалий татбиққа эга бўлган долзарб йўналишларини тадқиқ қилишга эътибор кучайтирилди. Жумладан, комплекс ўзгарувчили функциялар назариясида ва чегирмалар назариясида муҳим татбиқларга эга бўлган кўп ўлчамли комплекс фазодаги интеграл формулалар назариясини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада Мартинелли-Бохнер интеграли ва унга мос интеграл операторни ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Математик анализ, комплекс анализ ва динамик тизимлар назарияси каби фанларнинг долзарб йўналишлари бўйича халқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш асосий вазифалар ва фаолият йўналишлари этиб белгиланди[1]. Қарор ижросини таъминлашда интеграл формулаларни чегараланмаган соҳа-ярим фазода тадқиқ қилиш ва шу соҳаларда интеграл операторлар назариясини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 292-сон қарори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909 сонли «Олий таълим тизими янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва 2017 йил 8 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Матинелли-Бохнер интеграл формуласини тадқиқ қилиш ўтган асрнинг етмишинчи йилларида ривожланди. Бу кўп ўлчамли комплекс анализда интеграллар назарияси усулларидан фойдаланила бошлангани билан боғлиқ. Коши-Фантаппъе ва Коппельман интеграл формулалари муваффақиятли татбиқ этилди. Ташқи дифференциал формалар учун Коппельман интеграл формуласи Мартинелли Бохнер формуласининг умумлашмаси ҳисобланади, чунки бу икки интеграл формуланинг ҳам ядроси Лаплас тенгламасининг фундаментал ечими ёрдамида қурилади. F.Hervey ва J.Lowson томонидан олинган комплекс плёнкаларни тоқ ўлчамли кўпхилликларга тортиш ҳақидаги натижанинг асосида ҳам Мартинелли-Бохнер интеграл ифодаси ётади. Б.М.Вайнсток эса Мартинелли-Бохнер формуласини узлуксиз функциялар учун исботлаган.

Ўтган асрнинг олтмишинчи йилларида Л.А.Айзенберг ва А.П.Южаков каби олимларнинг саъйи ҳаракатлари туфайли Красноярскда кўп ўлчамли комплекс анализ бўйича мактаб юзага келди ва унда интеграл формулалар назарияси ривожлантирилди. Мартинелли-Бохнер интеграл формуласи ва унинг татбиқлари шу мактабнинг Л.А.Айзенберг, Ш.А.Даутов, А.М.Кытманов ва бошқа вакиллари томонидан тадқиқ этилган. А.М.Кытмановнинг тадқиқотларида Мартинелли-Бохнер интегралини $\mathbb{C}^n$ даги бирлик шарда ҳисоблаш масаласи ўрганилган. G.M. Henkin ва J. Leiterer томонидан Мартинелли-Бохнер формуласи Штейн кўпхиллиги учун тадқиқ қилинган ва шундай соҳа учун формула олинган. Мартинелли-Бохнер интеграл формуласининг яна бир умумлашмаси Андреотте-Норге формуласидир. Мартинелли-Бохнер интеграл формуласи ва унинг татбиқлари Е.Л. Стаут, Лу Цикен, Чжун Тунде, В.Какичев, Е.Чирка, Г.Хенкин, А.Аронов, Ш.Ярмухамедов, Б.А. Шоимқулов, Н.Тарханов, Б.Б. Пренов, Д.Х. Джумабоев ва бошқа олимлар томонидан тадқиқ қилинган ва ривожлантирилган.

Сўнгги йилларда Мартинелли-Бохнер типидаги сингуляр интеграл операторларни ва потенциалларни (А.Кытманов, С.Мысливец, Н.Тарханов) чегараланган D соҳа чекли махсус нуқтага эга бўлган ҳол учун тадқиқ этиш, Мартинелли-Бохнер типидаги хосмас интегрални (А.М.Кытманов, Б.Б.Пренов и Н.Н.Тарханов) айрим соҳалар учун умумлаштириш, Сохоцкий-Племел теоремасининг аналоги ҳисобланган Мартинелли-Бохнер интегралининг сакраши ҳақидаги теоремани сингуляр қиррали соҳалар учун умумлаштириш (А.Кытманов, С.Мысливец, Н.Тарханов) бўйича изланишлар олиб борилмоқда. Кўп ўлчамли комплекс фазодаги интеграл формулалар ва уларнинг татбиқлари бўйича А.М.Кытманов, Н.Тарханов, А.Аронов, Ш.Даутов, Г.Хенкин, М.Аграновский, А.Шляпунов, Б.Шоимкулов, Б.Пренов, А.Кацунова, Д.Джумабоев ва бошқа олимлар тадқиқотлар олиб боришмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Қарши Давлат университетининг ОТ-Ф4-22 «Узлуксиз ва дискрет вақтли аниқ динамик системалар, қисмий интеграл операторлар спектрлари» (2017-2021 йиллар) мавзусидаги илмий тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Мартинелли-Бохнер интегралини ярим фазода ҳисоблаш формуласини топиш, Мартинелли-Бохнер интеграл операторининг хос функциялари ва хос сонларини ярим фазода тадқиқ қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Мартинелли-Бохнер ядросининг ярим фазо чегарасидаги қийматини ҳисоблаш;

ярим фазода $L^{\infty}_{n+1}(\mathbb{R}^{2n+1})$ синфдан олинган функциялар учун Мартинелли-Бохнер интеграл формуласини исботлаш;

ярим фазода Мартинелли-Бохнер интегралининг $L^{p}(\mathbb{R}^{2n+1})$ синфдан олинган функциялар учун ҳисоблаш формуласини исботлаш;

$L^{\infty}_{n+1}(\mathbb{R}^{2n+1})$ синф функциялари учун Мартинелли-Бохнер интеграл оператори спектрининг хоссаларини тадқиқ қилиш;

$L^{p}(\mathbb{R}^{2n+1})$ синф функциялари учун Мартинелли-Бохнер интеграл операторининг ярим фазода хос функциялари ва хос сонларини тадқиқ қилиш.

Тадқиқот объекти кўп ўлчамли комплекс фазодаги юқори ярим фазо, Мартинелли–Бохнер интеграл ифодаси ва унга мос Мартинелли–Бохнер операторидан иборат.

Тадқиқот предмети кўп ўлчамли комплекс юқори ярим фазода голоморф ва шу фазонинг чегарасида гармоник бўлган $L^{\infty}_{n+1}(\mathbb{R}^{2n+1})$ ва $L^{p}(\mathbb{R}^{2n+1})$ синфларга тегишли комплекс ўзгарувчили функциялар.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида кўп ўлчамли комплекс анализ голоморф функцияларининг интеграл формулалари ва кўп комплекс ўзгарувчили функциялар назарияси усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

$L^{\infty}_{n+1}(\mathbb{R}^{2n+1})$ функционал фазодан олинган функциялар учун юқори ярим фазода Мартинелли–Бохнер интегралини ҳисоблаш формуласи топилган;

$L^{p}(\mathbb{R}^{2n+1})$ функционал фазодан олинган функциялар учун юқори ярим фазода Мартинелли–Бохнер интегралини ҳисоблаш формуласи топилган;

Мартинелли-Бохнер интеграл операторининг $L^{\infty}_{n+1}(\mathbb{R}^{2n+1})$ синфдан олинган функциялар учун юқори ярим фазода хос функциялари ва хос сонлари топилган;

Мартинелли-Бохнер интеграл операторининг $L^{p}(\mathbb{R}^{2n+1})$ синф функциялари учун юқори ярим фазода хос функцияларга эга эмаслиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари: Мартинелли–Бохнер ядросининг n+1 ўлчамли комплекс фазо $\mathbb{C}^{n+1}$ нинг юқори ярим фазоси $\mathbb{C}^{n+1}_{+}$ нинг чегарасидаги қиймати ҳисобланганлиги, шу юқори ярим фазо $\mathbb{C}^{n+1}_{+}$да Мартинелли–Бохнер интегралининг $L^{\infty}_{n+1}(\mathbb{R}^{2n+1})$ ва $L^{p}(\mathbb{R}^{2n+1})$ функционал фазолардан олинган функциялар учун яқинлашувчи бўлиш шартлари топилганлиги, Мартинелли-Бохнер интеграл операторининг $L^{\infty}_{n+1}(\mathbb{R}^{2n+1})$ синфдан олинган функциялар учун юқори ярим фазода хос функциялари ва хос сонлари топилганлиги, Мартинелли-Бохнер интеграл операторининг $L^{p}(\mathbb{R}^{2n+1})$ синф функциялари учун юқори ярим фазода хос функцияларга эга эмаслиги исботланганлигидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги кўп комплекс ўзгарувчили голоморф функциялар назарияси интеграл формулалари усулларидан фойдаланилганлиги ҳамда математик мулоҳазаларнинг ва исботларнинг қатъийлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти $L^{\infty}_{n+1}(\mathbb{R}^{2n+1})$ ва $L^{p}(\mathbb{R}^{2n+1})$ функционал фазолардан олинган функциялар учун $\mathbb{C}^{n+1}_{+}$ да Мартинелли–Бохнер интегралининг яқинлашувчи бўлиш шартлари аниқланганлиги ва уларни ҳисоблаш формуласи топилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти чегараланган соҳаларда ўринли бўлган Мартинелли-Бохнер интеграл формуласини ва операторини чегараланмаган соҳа – ярим фазода тадқиқ қилишда асос сифатида хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ярим фазода Мартинелли- Бохнер интегралига оид олинган натижалар асосида:

юқори ярим фазода топилган Мартинелли-Бохнер интегралини ҳисоблаш формуласи 08-01-90250 рақамли «Аналитическое продолжение голоморфных и гармонических функций» номли грант лойиҳасида голоморф функцияларни аналитик давом эттиришда фойдаланилган (Сибир Федераль университетининг 2018 йил 5 мартдаги маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши гармоник функцияларни аналитик давом эттириш имконини берган;

юқори ярим фазода топилган Мартинелли-Бохнер интеграл операторининг хос сонлари ва хос функциялари 11-01-00852 рақамли «Многомерные вычеты в комплексном анализе, их применения в статистической физике и теориях разностных и дифференциальных уравнений» номли грант лойиҳасида комплекс анализда кўп ўлчамли чегирмаларнинг татбиқларида фойдаланилган (Сибир Федераль университетининг 2018 йил 5 мартдаги маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши кўп ўлчамли чегирмаларни статистик физикага татбиқ этиш имконини берган;

ярим фазода Мартинелли-Бохнер интегралини ҳисоблаш формуласи ОТ-Ф1-116 рақамли «Аналитик давом эттириш ва функцияларнинг геометрик назарияси масалалари» номли грант лойиҳасида n-ўлчамли комплекс фазодаги чегараси силлиқ бўлмаган соҳалар учун Мартинелли-Бохнер интеграл формуласини тадқиқ қилишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 20 февралдаги маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши баъзи синфлардан олинган мероморф функциялар учун берилган кўринишдаги соҳада интеграл формула топиш имконини берган;

ярим фазода Мартинелли-Бохнер интеграли ва унга мос Мартинелли-Бохнер интеграл оператори учун таклиф этилган спектрал хоссалардан Ф-4-31 рақамли «Плюрипотенциаллар назарияси ва кўп ўлчамли анализда интеграл формулалар» номли грант лойиҳасида қирралари конуссимон сиртлар учун Мартинелли-Бохнер сингуляр интеграл оператори конормал символи учун асимптотик ёйилмани тадқиқ қилишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 20 февралдаги маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши Зигел соҳалари учун интеграл формулалар ҳосил қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 9 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 1 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация тадқиқоти мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та, жумладан, 2 таси хорижий ва 2 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш қисми, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 82 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Мартинелли-Бохнер интеграл формуласи ҳақида маълумотлар»** деб номланувчи биринчи бобда диссертациянинг асосий натижаларини баён қилишда зарур бўладиган бошланғич маълумотлар, асосий таърифлар, Мартинелли-Бохнер интеграл формуласи ҳақидаги муҳим теоремалар ва маълум натижалар келтирилган.

1.1-параграфда Мартинелли–Бохнер интеграл ифодаси ва унинг турли олимлар томонидан тадқиқ қилинган хоссалари ва татбиқлари баён қилинган.

n - ўлчамли комплекс фазо $\mathbb{C}^n$ ни қараймиз, унинг нуқталари $z=(z_1,...,z_n)$ кўринишдаги n та тартибланган комплекс сонлар жамланмасидан тузилган.

1-таъриф. Агар $D=\{z:\rho_j(z)<0,\ \ j=1,...,m\ \}$да ҳақиқий ўзгарувчили ρ_j функциялар D соҳанинг ёпиғи $\bar{D}$ нинг бирор атрофида C^1 синфга тегишли бўлиб, $j_1,...,j_s$ индексларнинг ихтиёрий жамланмаси учун $\{z:\rho_{j_1}(z)=...=\rho_{j_s}(z)=0\}$ тўпламда $d\rho_{j_1}\wedge...\wedge d\rho_{j_s}\neq 0$ шарт бажарилса, у ҳолда D соҳа чегараси бўлакли силлиқ соҳа дейилади, яъни чегараси ∂D бўлакли силлиқ соҳа деганда силлиқ полиэдрни тушунамиз.

1-теорема. (Мартинелли, Бохнер). Агар D соҳа $\mathbb{C}^n$ да чегараланган, чегараси бўлакли силлиқ, $f\in C(\bar{D})$ функция эса D да голоморф ва $[Mf](z)$ Мартинелли-Бохнера оператори бўлса, у ҳолда

$$[Mf](z)=\int_{\partial D} f(\varsigma)U(\varsigma,z)=\begin{cases} f(z),\ z\in D \\ 0,\ z\notin D\end{cases} \tag{1}$$

бўлади, бу ерда $U(\varsigma,z)$

$$U(\varsigma,z)=\frac{(n-1)!}{(2\pi i)^n}\sum_{k=1}^{n}(-1)^{k-1}\frac{\bar{\varsigma}_k-\bar{z}_k}{|\varsigma-z|^{2n}}d\bar{\varsigma}[k]\wedge d\varsigma, \tag{2}$$

кўринишдаги $(n-1,n)$ типдаги ташқи дифференциал форма бўлиб, $d\varsigma=d\varsigma_1\wedge...\wedge d\varsigma_n$ ва $d\bar{\varsigma}[k]=d\bar{\varsigma}_1\wedge...d\bar{\varsigma}_{k-1}\wedge d\bar{\varsigma}_{k+1}\wedge...\wedge d\bar{\varsigma}_n$.

Бу дифференциал форма Мартинелли-Бохнер интеграл формуласининг ядроси бўлиб, у ς ўзгарувчи бўйича ёпиқдир, яъни $d_\varsigma U(\varsigma,z)=0$.

Ушбу кўп комплекс ўзгарувчили голоморф функциялар учун интеграл формуланинг муаллифлари Италия ва Германия олимларидир. Бу формула интеграл соҳанинг бутун чегараси буйича ҳисобланадиган биринчи кўп ўлчамли интеграл формуладир. Бу интеграл формула $\mathbb{C}^1$ даги Кошининг интеграл формуласи каби соҳанинг кўринишига боғлиқ бўлмаган универсал ядрога эга, аммо ундан фарқи $\mathbb{C}^n$ фазода $n>1$ бўлганда ядроси голоморф эмас гармоник функциядир.

1.2- параграфда Мартинелли–Бохнер интеграл ифодасини тадқиқ қилиш учун зарур бўлган таъриф ва тушунчалар, Мартинелли–Бохнер интеграл формуласининг баъзи умумлашмалари ва маълум фактлар келтирилган.

1.3- параграфда Мартинелли–Бохнер интеграл ифодасини $\mathbb{C}^n$ даги $B(0,1)$ бирлик шарда ҳисоблаш ва шу шарда Мартинелли–Бохнер интеграл операторининг спектрини тадқиқ қилиш бўйича олинган натижалар келтирилган.

Диссертациянинг **«Ярим фазода Мартинелли–Бохнер интегралини ҳисоблаш «** деб номланган иккинчи боби $L^{\infty}_{n+1}(\mathbb{R}^{2n+1})$ ва $L^p(\mathbb{R}^{2n+1})$ функционал фазолардан олинган функциялар учун Мартинелли-Бохнер интеграл ифодасини ярим фазода ҳисоблаш формуласини топишга бағишланган.

Нуқталари $z=(z',z_{n+1})=(z_1,...,z_n,z_{n+1})$ бўлган $n+1$ ўлчамли комплекс фазо $\mathbb{C}^{n+1}$ ни қараймиз. Агар $z,w\in\mathbb{C}^{n+1}$ бўлса , у ҳолда

$$\langle z,\bar{w}\rangle = z_1\bar{w}_1+...+z_n\bar{w}_n+z_{n+1}\bar{w}_{n+1}, \text{ ва } |z|=\sqrt{\langle z,\bar{z}\,\rangle},$$

бунда $\bar{z}=(\bar{z}_1,...,\bar{z}_n,\bar{z}_{n+1})$.

Агар $z\in\mathbb{C}^{n+1}$ бўлса, у ҳолда

$$\operatorname{Re} z=(\operatorname{Re} z_1,...,\operatorname{Re} z_n,\operatorname{Re}\ z_{n+1})\in\mathbb{R}^{n+1},\quad \operatorname{Re} z_j=x_j,$$

ва

$$\operatorname{Im}\ z=(\ \operatorname{Im}\ z_1,...,\operatorname{Im}\ z_n,\operatorname{Im}\ z_{n+1})\in\mathbb{R}^{n+1},\quad \operatorname{Im} z_j=y_j,$$

бунда $z_j=x_j+iy_j,\quad j=1,...,n,n+1.$

$\mathbb{C}^{n+1}$ фазода йўналиш координаталар тартиби билан аниқланади:

$$(x_1,...,x_n,,x_{n+1}y_1,...,y_n,y_{n+1}).$$

Бу фазода ҳажм кўриниши dv қуйидагича бўлади:

$$dv=dx_1\wedge...\wedge dx_{n+1}\wedge dy_1\wedge...\wedge dy_{n+1}=dx\wedge dy=$$

$$=(i/2)^{n+1}dz\wedge d\bar{z}=(-i/2)^{n+1}d\bar{z}\wedge dz\quad,$$

бунда $dz=dz_1\wedge...\wedge dz\wedge dz_{n+1}$.

$\mathbb{C}^{n+1}$ фазода $(n+1,n)$ типдаги ташқи дифференциал форма $U(\varsigma\ ,z$ ни қараймиз:

$$U(\varsigma,z)=\frac{n!}{(2\pi i)^{n+1}}\sum_{k=1}^{n+1}(-1)^{k-1}\frac{\bar{\varsigma}_k-\bar{z}_k}{|\varsigma-z|^{2n}}d\bar{\varsigma}\left[k\right]\wedge d\varsigma, \tag{3}$$

бунда $d\varsigma=d\varsigma_1\wedge...\wedge d\varsigma_{n+1},\ d\bar{\varsigma}\left[k\right]=d\bar{\varsigma}_1\wedge...d\bar{\varsigma}_{k-1}\wedge d\bar{\varsigma}_{k+1}\wedge...\wedge d\bar{\varsigma}_{n+1}$.

Бу дифференциал форма Мартинелли-Бохнер интеграл ифодасининг ядросидир.

$\mathbb{C}^{n+1}$ фазода юқори ярим фазони қараймиз:

$$\mathbb{C}_{+}^{n+1}=\left\{(z',z_{n+1})\in\mathbb{C}_{+}^{n+1}:(z',z_{n+1})=(z_1,...,z_n,z_{n+1}),\operatorname{Im}z_{n+1}>0\right\},$$

унинг чегараси

$$\partial\mathbb{C}_{+}^{n+1}=\mathbb{R}^{2n+1}=\left\{(z',z_{n+1})\in\mathbb{C}_{+}^{n+1}:(z',z_{n+1})=(z_1,...,z_n,z_{n+1}),\operatorname{Im}z_{n+1}=0\right\}$$

бўлади.

Бу параграфда шу юқори ярим фазо чегарасида Мартинелли-Бохнер ядросининг қиймати ҳисобланган.

1-лемма. Мартинелли Бохнер интеграл формуласининг ядроси $U(\varsigma,z)$ нинг юқори ярим фазо $\mathbb{C}_{+}^{n+1}$ нинг чегараси $\mathbb{R}^{2n+1}$ даги қиймати

$$\frac{1}{2i}\frac{\left(\bar{\varsigma}_{n+1}-\bar{z}_{n+1}\right)}{y_{n+1}}P\left(\varsigma,z',y_{n+1}\right)dv,\quad z\notin\mathbb{R}^{2n+1},\varsigma\in\mathbb{R}^{2n+1}\qquad(4)$$

га тенг, бунда

$$P\left(\varsigma,z',y_{n+1}\right)=\frac{n!}{\pi^{n+1}}\frac{y_{n+1}}{\left(\left|\varsigma-z\right|^2+\left|\xi_{n+1}-x_{n+1}\right|^2+y_{n+1}^2\right)^{n+1}},\quad z\notin\mathbb{R}^{2n+1},\varsigma\in\mathbb{R}^{2n+1},$$

функция $\mathbb{C}_{+}^{n+1}$ ярим фазо учун Пуассон ядроси бўлиб, бунда $\varsigma=(\varsigma',\varsigma_{n+1})=(\varsigma_1,...,\varsigma_n,\varsigma_{n+1})$, $\varsigma_j=\xi_j+i\eta_j$, $j=1,...,n,n+1$, ва $dv=d\xi_1\wedge...\wedge d\xi_{n+1}\wedge d\eta_1\wedge...\wedge d\eta_n$.

2.1- параграфда қаралаётган юқори ярим фазода $f\in L_{n+1}^{\infty}(\mathbb{R}^{2n+1})$ синфдан олинган функциялар учун Мартинелли-Бохнер интегралини ҳисоблаш формуласи топилган.

Қуйидаги таърифни келтирамиз.

2-таъриф. f функция $\mathbb{R}^{2n+1}$да чегараланган функциялар фазосига тегишли бўлсин, яъни $f\in L^{\infty}(\mathbb{R}^{2n+1})$. Агар f функция $\mathbb{R}^{2n+1}$да ўлчовли бўлса ва $(1+|x_{n+1}|)f(z',x_{n+1})$ функция $L^{\infty}(\mathbb{R}^{2n+1})$ га тегишли бўлса, у ҳолда $f\in L_{n+1}^{\infty}(\mathbb{R}^{2n+1})$ деб айтамиз.

$L^{\infty}(\mathbb{R}^{2n+1})$ да f нинг нормасини $\|f\|_{\infty}$билан белгилаймиз. Агар $f\in L_{n+1}^{\infty}(\mathbb{R}^{2n+1})$, бўлса, у ҳолда $f\in L^{\infty}(\mathbb{R}^{2n+1})$ ва $x_{n+1}f\in L^{\infty}(\mathbb{R}^{2n+1})$бўлиши равшан (ва аксинча).

$f\in L_{n+1}^{\infty}(\mathbb{R}^{2n+1})$ функцияни қараймиз ва f^* билан унинг Пуассон интегралини белгилаймиз:

$$f^*(z)=\int_{\mathbb{R}^{2n+1}}f(\varsigma,z)P(\varsigma',\xi_{n+1},z)dv$$

Қуйидаги теорема 2.1- параграфнинг асосий натижаси ҳисобланади.

2-теорема. Агар $f\in L_{n+1}^{\infty}(\mathbb{R}^{2n+1})$ гармоник бўлган функция ва

$$f^*(\cdot, y_{n+1})\cdot x_{n+1} - y_{n+1} f_1(\cdot, y_{n+1})$$

функциянинг нормаси $L^\infty(\mathbb{R}^{2n+1})$ да $y_{n+1}>0$ бўлганда текис чегараланган бўлса, у ҳолда f функциянинг Мартинелли - Бохнер интеграли яқинлашади ва

$$M\left[f\right](z) = \frac{1}{2} f^*(z) + \frac{i}{2} f_1(z), \quad \varsigma \in \mathbb{R}^{2n+1},\ z \in \mathbb{C}_+^{n+1}\ , \tag{5}$$

тенглик бажарилади, бу ерда $f_1(z) = \int\limits_1^{y_{n+1}} \frac{\partial f^*}{\partial x_{n+1}}(z', x_{n+1}, \eta_{n+1}) d\eta_{n+1} + \varphi(z', x_{n+1})$ ва $\varphi(z', x_{n+1})$ эса Пуассон тенгламасининг (қаралаётган функциянинг $\mathbb{R}^{2n+1}$ да чегаравий қийматлари мавжуд бўлгандаги) бирор ечими: $\tilde{\Delta}\varphi = -\frac{\partial^2 f^*}{\partial y_{n+1}\partial x_{n+1}}$.

Бу бобнинг иккинчи параграфида $L^p(\mathbb{R}^{2n+1})$, $1 \le p < \infty$ синфдан олинган функциялар учун Мартинелли-Бохнер интегралини ҳисоблаш формуласи топилган.

Биз $L^p(\mathbb{R}^{2n+1})$, $1 < p < \infty$ фазони, яъни $\mathbb{R}^{2n+1}$ фазода p- даражаси билан жамланувчи функциялар фазосини қараймиз. Бу функциялар фазоси $\mathbb{R}^{2n+1}$да ўлчовли, $\left(\int\limits_{\mathbb{R}^n} |f(x)|^p dx\right)^{\frac{1}{p}} < \infty$ шартни қаноатлантирувчи барча f функциялардан иборат. Бу фазода нормани $\|f\|_p$ билан белгиласак, у ҳолда

$$\|f\|_p = \left(\int\limits_{\mathbb{R}^n} |f(x)|^p dx\right)^{\frac{1}{p}}.$$

Бу параграфнинг асосий натижаси қуйидаги теоремада ифодаланган.

3-теорема. Агар $f \in L^p(\mathbb{R}^{2n+1})$, $1 < p < \infty$ гармоник функция ва $y_{n+1} f_1(\cdot, y_{n+1})$ функциянинг нормаси $L^p(\mathbb{R}^{2n+1})$ да $y_{n+1} > 0$ бўлганда текис чегараланган бўлса, у ҳолда f функциянинг Мартинелли - Бохнер интеграли яқинлашади ва қуйидаги тенглик ўринли:

$$M\left[f\right](z) = \frac{1}{2} f^*(z) + \frac{i}{2} f_1(z), \quad \varsigma \in \mathbb{R}^{2n+1},\ z \in \mathbb{C}_+^{n+1}\ , \tag{6}$$

бўлади, бу ерда $f_1(z) = \int\limits_1^{y_{n+1}} \frac{\partial f^*}{\partial x_{n+1}}(z', x_{n+1}, \eta_{n+1}) d\eta_{n+1} + \varphi(z', x_{n+1})$ ва $\varphi(z', x_{n+1})$ эса Пуассон тенгламасининг $\mathbb{R}^{2n+1}$ даги бирор ечими: $\tilde{\Delta}\varphi = -\frac{\partial^2 f^*(z', x_{n+1})}{\partial y_{n+1}\partial x_{n+1}}$.

Диссертациянинг **«Ярим фазода Мартинелли-Бохнер операторининг спектрал хоссалари»** деб номланган учинчи бобида ярим фазода

$L_{n+1}^{\infty}(\mathbb{R}^{2n+1})$ ва $L^{p}(\mathbb{R}^{2n+1})$ функционал фазолардан олинган функциялар учун Мартинелли-Бохнер операторининг спектрал хоссалари тадқиқ қилингқн.

Учинчи бобнинг биринчи параграфида $L_{n+1}^{\infty}(\mathbb{R}^{2n+1})$ функционал фазодан олинган функциялар учун ярим фазода Мартинелли-Бохнер операторининг спектрал хоссалари ўрганилган.

$f \in L_{n+1}^{\infty}(\mathbb{R}^{2n+1})$ функциялар учун Мартинелли-Бохнер операторини қуйидагича аниқлаймиз:

$$M\left[f\right](z) = \int\limits_{\mathbb{R}^{2n+1}} f(\varsigma, z)U(\varsigma, z)$$

3.1-параграфнинг асосий натижаси қуйидаги теоремадан иборат.

4-теорема. Айтайлик f функция $f \in L_{n+1}^{\infty}(\mathbb{R}^{2n+1})$ ва $y_{n+1} \to \infty$ да

$$\| f*(\cdot, y_{n+1})\|_{\infty} = O(1/y_{n+1})$$

бўлсин. У ҳолда бу синфдан олинган функциялар учун Мартинелли-Бохнер операторининг хос функциялари битта z_{n+1} ўзгарувчининг голоморф функциялари бўлиб, хос сонлари 1 га тенг, ёки мос равишда шу ўзгарувчининг антиголоморф функцияси бўлиб, хос сонлари 0 га тенг бўлган функциялар ва фақат шу функциялар бўлади.

Бу теоремани исботлашда Сохоцкий – Племель формуласидан фойдаланилади.

5-теорема(Сохоцкий-Племель). Фараз қилайлик, D - чегараси ∂D бўлакли силлиқ чегараланган соҳа ва $f \in C^{\alpha}(\partial D)$, $0<\alpha<1$ бўлсин. У ҳолда Мартинелли - Бохнер интеграли F^{+} $\overline{D}$ га узлуксиз давом эттирилади ва $F^{+} \in C^{\alpha}(\overline{D})$, F^{-} интеграл эса $C^{n} \setminus D$ га узлуксиз давом эттирилади ва $F^{-} \in C^{\alpha}(C \setminus D)$. Бундан ташқари, Сохоцкий-Племель формуласи

$$F^{+}(z) = (1-\tau(z))f(z) + v.p.\int\limits_{\partial D} f(\zeta)U(\zeta, z),$$

$$F^{-}(z) = -\tau(z)f(z) + v.p.\int\limits_{\partial D} f(\zeta)U(\zeta, z), z \in \partial D, \qquad (7)$$

ўринли бўлади.

Агар $f \in L^{\infty}(\mathbb{R}^{2n+1})$ бўлса, у ҳолда бундай функциянинг Мартинелли–Бохнер интеграли узоқлашиши мумкин, масалан, $f=1$ бўлганда. Бу ҳолда Мартинелли–Бохнер интегралини Коши бўйича бош қиймати сифатида қараш керак:

$$v.p.\int\limits_{\mathbb{R}^{2n+1}} f(\varsigma)U(\varsigma, z) = \lim_{R \to \infty}\int\limits_{B_R} f(\varsigma)U(\varsigma, z), \quad z \notin \mathbb{R}^{2n+1},$$

бу ерда B_R - $\mathbb{R}^{2n+1}$ даги маркази нолда радиуси R га тенг бўлган шар.

1-тасдиқ. Ушбу

$$v.p.\int_{\mathbb{R}^{2n+1}} U(\varsigma,z)=\begin{cases}\dfrac{1}{2}, & y_{n+1}>0,\\ -\dfrac{1}{2}, & y_{n+1}<0.\end{cases}$$

тенглик ўринли.

Бу бобнинг иккинчи параграфида ярим фазода ўлчовли p- даражаси билан жамланувчи функциялар учун Мартинелли-Бохнер операторининг хос функциялари ва хос сонлари тадқиқ қилинган.

$L^p(\mathbb{R}^{2n+1})$, $1\le p<\infty$ фазони, яъни $\mathbb{R}^{2n+1}$ ўлчовли p- даражаси билан жамланувчи барча функциялар фазосини қараймиз, бу функциялар учун норма

$$\|f\|_p=\left(\int_{\mathbb{R}^m}|f(x)|^p\,dv\right)^{\frac{1}{p}}<+\infty\,.$$

кўринишда аниқланади.

$f\in L^p(\mathbb{R}^{2n+1})$, $1\le p<\infty$ функциялар учун Мартинелли-Бохнер операторини қуйидагича аниқлаймиз:

$$M\big[\,f\,\big](z)=\int_{\mathbb{R}^{2n+1}} f(\varsigma,z)U(\varsigma,z)$$

3.2–параграфда қуйидаги теорема исботланган.

6-теорема. $f\in L^p(\mathbb{R}^{2n+1})$ функциялар синфини қараймиз, $y_{n+1}\to\infty$ да $f^*(\cdot,y_{n+1})$ функциянинг нормаси учун

$$\left\|f^*(\cdot,y_{n+1})\right\|_p=O(1/y_{n+1})$$

ўринли бўлсин. У ҳолда бу синф функциялари учун Мартинелли–Бохнер оператори хос функцияларга эга эмас.

Бу теоремани исботлашда голоморф функциялар назариясида муҳим теоремалардан бири бўлган Лиувилль теоремасининг аналогидан фойдаланилади.

7-*теорема.* (Лиувилль). Агар $f(z)$ функция $\mathbb{C}^n$ да голоморф ва чегараланган бўлса, у ҳолда $f(z)$ ўзгармасдир.

Бу теореманинг аналоги қуйидаги лемма кўринишида келтирилади.

2-лемма. Агар гармоник функция $f\in L^p(\mathbb{R}^n)$, $p>1$ бўлса, у ҳолда у нолга тенг.

ХУЛОСА

Диссертация иши $n+1$ ўлчамли $\mathbb{C}^{n+1}$комплекс фазодаги $\mathbb{C}_+^{n+1}$ юқори ярим фазода Мартинелли-Бохнер интеграл формуласини ва унга мос Мартинелли-Бохнер интеграл операторини тақиқ қилишга бағишланган.

Диссертацияда олинган илмий натижалар асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Кўп ўлчамли юқори ярим фазо чегарасида Мартинелли-Бохнер ядросининг қиймати ҳисобланган.

2. $L^{\infty}_{n+1}(\mathbb{R}^{2n+1})$ функционал фазодан олинган функциялар учун ярим фазода Мартинелли-Бохнер интегралининг яқинлашувчилиги исботланган ва уни ҳисоблаш формуласи топилган.

3. $L^{p}(\mathbb{R}^{2n+1})$ функционал фазодан олинган функциялар учун ярим фазода Мартинелли-Бохнер интегралининг яқинлашувчилиги исботланган ва уни ҳисоблаш формуласи топилган.

4. $L^{\infty}_{n+1}(\mathbb{R}^{2n+1})$ синф функциялари учун Мартинелли-Бохнер интеграл операторининг юқори ярим фазода хос функциялари ва хос сонлари топилган.

5. Мартинелли-Бохнер интеграл операторининг $L^{p}(\mathbb{R}^{2n+1})$ синф функциялари учун юқори ярим фазода хос функцияларга эга эмаслиги исботланган.

Олинган натижалар кўп комплекс ўзгарувчили функциялар назариясида интеграл формулаларни ва кўп ўлчамли комплекс фазода интеграл операторларни тадқиқ қилишда қўлланилади.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.27.06.2017.FM.02.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПРИ САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ

КАРШИНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

РУСТАМОВА МАСТУРА САМАДОВНА

ОБ ИНТЕГРАЛЕ МАРТИНЕЛЛИ-БОХНЕРА В ПОЛУПРОСТРАНСТВЕ

01.01.01 – Математический анализ

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ

г. Самарканд – 2018 год

Тема диссертации доктора философии (PhD) по физико – математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.4.PhD/FM151.

Диссертация выполнена в Каршинском государственном университете.

Автореферат диссертация на трех языках (узбекский, русский, английский(резюме)) размешен на веб- странице Научного совета (www.samdu.uz) и на Информационно – образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	**Гулмирза Худайберганов** доктор физико-математических наук, профессор
Официальные оппоненты:	**Имомқулов Севдиёр Акромович** доктор физико-математических наук
	Пренов Барлыкбай Баракбаевич кандидат физико-математических наук
Ведущая организация:	**Ургенчский государственный университет**

Защита диссертации состоится «_____» ______ 2018 года в _____ часов на заседании Научного совета PhD.27.06.2017.FM.02.01 при Самаркандском государственном университете (Адрес: 140104 г.Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел.: (+99866) 231-06-32, факс: (+99866) 235-19-38, 239-12-47, e-mail: patent@samdu.uz).

С диссертационной работоймложно ознакомиться в Информационно – ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрирована за № ______). Адресс: 140104 г. Самарканд Университетский бульвар 15. Тел.: (+99866) 231-06-32.

Автореферат диссертации разослан «______»________2018 года
(протокол рассылки №______ от «_____» _________ 2018 года)

А.С. Солеев
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней д.ф.-м.н., профессор

А.М. Халхужаев
Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н.

С.Н. Лакаев
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н., профессор, академик

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Многие научно-прикладные исследования, проводимые на мировом уровне во многих случаях, приводятся к исследованию интегральных представлений и интегральных операторов. В многомерном комплексном анализе интегральные представления являются мощным конструктивным аппаратом и имеет важные применения. Интегральное представление Мартинелли-Бохнера является интегральным представлением, в котором интеграл вычисляется по всей границе области и имеет универсальное ядро не зависящей от вида области. В работах многих учёных исследовавших это интегральное представление рассматривались ограниченные области. Обобщение формулы для неограниченной области исследование спектра оператора Мартинелли-Бохнера в полупространстве для функций из разных функциональных пространств остается одним из важных задач.

В настоящее время в мире осуществляется ряд научных исследований по приоритетным направлениям, как исследование интегральных представлений и их применений в многомерном комплексном анализе является одним из актуальных вопросов. Эти интегральные представления играют актуальную роль при определении условий голоморфного продолжения функций, заданных на границе, при исследование граничных свойств сингулярных интегральных операторов. При этом исследование интегрального представления Мартинелли-Бохнера в полупространстве, доказать сходимость этого интеграла для функций из разных функциональных пространств и найти формулу для вычисления, исследование спектральных свойств соответствующего интегрального оператора в полупространстве считаются целевыми научными исследованиями.

В нашей стране в годы независимости особое внимание уделяется направлениям имеющим фундаментальное и прикладное применение современного комплексного анализа. В частности, особое внимание было уделено задачам приводящим к многомерным интегральным представлениям, имеющие разнообразные и важние применения в комплексном анализе и теории вычетов. Исследование интегрального представления Мартинелли–Бохнера и соответствующего интегрального оператора является важной задачей. Было поставлено, что проведение научных исследований по приоритетным направлениям математических наук на уровне международных стандартов по математическому и комплексному анализу, в теории динамических систем является основной задачей и активным направлением[1]. Развитие теории интегральных представлений и интегральных операторов в многомерном комплексном анализе играет важную роль в исполнении постановления.

[1] Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 18 мая 2017 года №292 «О мерах по организации деятельности вновь созданных научно-исследовательских учреждений академии Наук Республики Узбекистан»

Эта диссертация, в определенной степени, служит осуществлению задач, обозначенных в Постановлениях Президента Республики Узбекистан №-ПП-2909 «О мерах и действиях по дальнейшему развитию высшего образования» от 20 апреля 2017 года и №-УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 8 февраля 2017 года а также в других нормативно-правовых актах по данной деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в Республике Узбекистан IV. «Математика, механика и информатика».

